



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚДАГИ ЎРНИ

Фарингиз Юсупова

Тошкент давлат юридик университети “Ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон
ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229001>

Аннотация: Ушбу мақолада Туркий давлатлар ташкилотининг вазифалари ва уларнинг БМТ билан қиланаётган ҳамкорлиги ҳақида муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: Туркий кенгаш, Туркий давлатлар ташкилоти.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги муносабатлар давлатлар ўртасидаги яқинлик, мамлакатлараро ҳамкорлик ва интеграция жараёнида тил, дин, маданият анъаналар яқинлиги нақадар муҳим эканлиги сўнгги йилларда кузатилган пандемия вақтида яққол намоён бўлди.

Туркий давлатлар ташкилотининг тарихига назар соладиган бўлсак, 1992-йилда илк бор “Туркийзабон давлатлар саммити бўлиб ўтди”. 2009-йилнинг 3-октябр куни Озарбайжоннинг Нахчивон шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия ўртасида «Нахчивон келишуви» имзоланди ва «Туркий кенгаш» халқаро ташкилотига асос солинди ва ташкилот котибияти бош биноси Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашиши аниқлаб олинди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими”ни ратификация қилиш тўғрисидаги Қонун имзоланди ва бу тарихий воқеа сифатида хорижлик экспертлар томонидан баҳоланиб, бу жараён аъзо давлатлар ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланишига беқиёс ҳисса қўшиши, ҳамкорлик янада чуқурлашиши, минтақа тараққиёти учун янги имкониятлар очилиши, ташкилот кун тартиби диверсификация қилиниши, тузилма фаолияти ривожланиш суръати фаоллашишини таъминлаши алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда ушбу ташкилотларга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо, инвестиция, саноат, транспорт ва логистика, таълим ва маданият, рақамли технология, бизнес ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада инвестиция муҳитини тизимли такомиллаштириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, имтиёзли ва эркин савдо режимини ўрнатиш, божхона тартиб-тамойилини стандартлаштириш, тариф ва нотариф тўсиқларни



камайтириш, ягона электрон савдо майдони яратиш, ахборот технологиялари ва технопарклар ҳамкорлиги дастури доирасида ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларни илгари суриш, яшил технологияни жорий этишга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга ошириш каби чоратадбирлар режалаштирилган.

Ўтган йил 12 ноябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг саккизинчи саммитида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг қардош мамлакатлар билан умумий савдо кўрсаткичи икки баробар ошгани, шу билан бирга бу натижа мавжуд имконият даражасида эмаслигига тўхталиб ўтганди. Таҳлилларга кўра, 2020 йил Кенгашга аъзо давлатларнинг жами импорти 420 миллиард долларни, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажми эса 21 миллиард долларни ташкил этган.


Давлатимиз раҳбари тузилма доирасидаги ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга йўналтирилган ташаббусларни илгари сурад экан, Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот марказини очиш, Хитойдан Европагача мамлакатларимиз ҳудудлари орқали ўтган транскитъавий транспорт йўлакларини ривожлантириш, ташкилотнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш, ихтисослашган ташкилотлар негизида инжиниринг ва технология марказлари ташкил этиш таклифини берди.

Шунингдек, БМТ билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атрофмуҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини ташкил этиш, “ақлли” шаҳарлар яратиш бўйича тажриба алмашиш ва инновацияни трансфер қилиш ҳамда аъзо давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот марказини очиш шулар жумласидан.

Айни вақтда ташкилотга Қозоғистон, Туркия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Озарбайжон аъзо саналади. Венгрия ва Туркменистон эса кузатувчи давлат мақомига эга.

Ўзбекистон ушбу ташкилотга 2019 йилнинг октябрь ойида аъзо бўлган. 2021 йилда ўтган саммитда давлат раҳбарлари 10 дан ортиқ ҳужжат саммитнинг якуний декларацияси, “Туркий дунё нигоҳи – 2040” дастурий ҳужжати ва кун тартибига киритилган бошқа қарорларни имзолаганлар.

Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган «Табаррук зиёрат» туризм концепцияси бўйича ташаббусни юқори савияда ташкил этиш, туризм соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, Қўқон шаҳри 2022 йилда





«Туркий дунёнинг туризм пойтахти» деб эълон қилинганлиги муносабати билан шаҳарнинг маданий ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳамда жозибадорлигини ошириш мақсадида 2022 йил 29 июль куни Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожланиш чора-тадбирлари туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори имзоланди[2].

Ташкилотнинг сўнгги саммити 2021 йилнинг 13 ноябрь куни Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган эди. Ушбу саммитда ташкилот номи Туркий давлат ташкилоти дея қайта номланди.

2021 йилга қадар “Туркий кенгаш” номи билан танилган тузилманинг асосий мақсади аъзо мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити жорий йилнинг ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтади.

Ушбу саммит аҳамияти жиҳати шундаки, Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган саммит Туркий давлатлар ташкилотининг илк йиғилиши сифатида тарихда қолади. Бунгача ташкилот Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан фаолият юритган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Нахичеванское соглашение о создании Совета сотрудничества тюркоязычных государств (г. Нахичевань, 3 октября 2009 года).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги ПҚ-338-сон қарори <https://lex.uz/uz/docs/6137065>

